# Qishloq HAYOTI

2003 YIL 6 MAY, SESHANBA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№59 (6.584). Sotuvda erkin narxda


*Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги, мамлакатимизнинг изчил демократик ҳамда иқтисодий янгиланишидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс.*

**Ислом КАРИМОВ**




# ТОШКЕНТ ФОРУМИ: БИЗНИНГ МАҚСАД ВА ИНТИЛИШЛАРИМИЗ - МУШТАРАК

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 май куни Оқсаройда АҚШ молия вазирининг ўринбосари Жон Тейлорни қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбарининг 2002 йил мартда АҚШга расмий ташрифи ўзаро алоқаларга янги руҳ бахш этди. Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларацияга биноан икки мамлакат яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган ойда Ўзбекистон делегацияси АҚШга бориб, яна қатор музокаралар ўтказди.

- ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда ўтаётган йиллик мажлисида АҚШдан нуфузли делегация қатнашмоқда, - деди Ислом Каримов учрашувда. - Биз буни қадрлаймиз ва юртимизга ташрифингизни ривожланиб бораётган ҳамкорликнинг яна бир тасдиғи, деб ҳисоблаймиз.

Ж.Тейлор самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, икки мамлакат ўртасидаги амалий мулоқотлар изчил давом этаётгани, ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари юзасидан фикр алмашилиб, молиявий соҳадаги ҳамкорлик, сармоя жалб қилиш, савдо-иқтисодий алоқаларга оид масалаларга эътибор қаратилди.

***

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 май куни Оқсаройда Япония молия вазири Масадзюро Шиокавани қабул қилди.***

Ўзбекистон-Япония муносабатлари стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилган. Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил июл ойида Японияга расмий ташрифи ўзаро алоқалар юксак даражада ривожланаётганини яна бир бор намойиш этди.

Ўзбекистон ва Япония бир-бирининг халқаро аксилтеррор коалициясига кўрсатаётган ёрдамини юксак баҳолайди. Афғонистонни тиклаш операцияларида эса Япония томони Ўзбекистон инфратузилмаси ва захираларидан фойдаланиш истагини билдирган.

Иқтисодий алоқалар йилдан йилга юксалмоқда. Ўзбекистонда кўплаб сармоявий лойиҳалар ижроси учун Япониядан энг замонавий асбоб-ускуна ва технологиялар келтирилмоқда. Мамлакатимизда 18 япон компаниясининг ваколатхонаси, 7 қўшма корхона ва тўла япон сармоясига қурилган учта корхона ишлаб турибди. Тошкентда Япония халқаро тараққиёт агентлиги (JICA) ҳамда Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) ваколатхона очган. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталари мунтазам йиғилишлар ўтказиб туради.

Ўзбекистон ва Япониянинг ижтимоий-маданий ҳамкорлиги ҳам самарали кечмоқда.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**





## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгаши йиллик йиғилишининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи

Муҳтарам Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг Президенти жаноблари!

Муҳтарама Бошқарувчилар Кенгаши Раиси!

Ҳурматли Бошқарувчилар!

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни - Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик йиғилиши иштирокчиларини қутлаш ва барчангизга ўзимнинг юксак эҳтиромимни изҳор этиш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

Менга бу ерда ҳозир бўлган Марказий Осиё минтақаси давлатлари президентлари, Грузия Президенти Э.А.Шеварднадзе, Ҳукумат бошлиқлари, Марказий банкларнинг раҳбарлари, етакчи халқаро сиёсий ва молиявий институтлар вакиллари, банкирлар ва ишбилармонларни қутлаш ва беҳад банд бўлишларига қарамай, мазкур анжуманда иштирок этиш имконини топганлари учун уларга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Бундай нуфузли халқаро молиявий анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши нафақат Ўзбекистоннинг молиявий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида, балки бутун Марказий Осиё минтақаси тараққиётида муҳим роль ўйнайди, десам, ўйлайманки хато бўлмайди.

ЕТТБ нинг йиллик анжуманига тайёргарлик кўриш жараёнининг ўзи Ўзбекистонда демократик ривожланиш ва жамиятни янгилаш, эркин бозор иқтисодиёти асосларини шакллантириш, таркибий ўзгаришларни ва инвестиция дастурларини амалга ошириш борасида бажарилган ишларни яна бир бор юксак профессионал даражада танқидий баҳолаш учун қулай шароит яратди. Биз, биринчи навбатда, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки билан ҳамкорлигимизнинг қанчалик фойдали ва самарадорлигини холис баҳолаш имконига эга бўлдик.

Мен ушбу минбардан туриб, бутун масъулиятни зиммамга олган ҳолда шуни айтишим жоизки - Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги, мамлакатимизнинг изчил демократик ҳамда иқтисодий янгиланишидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Анжуманнинг барча иштирокчиларига тақдим этилган материаллар билан жиддий танишган одам, ўйлайманки, бунга ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Кейинги йилларда мазкур Банк Ўзбекистон иқтисодиётига 750 миллион доллардан зиёд сармоя киритди. Унинг иштирокида олтин қазиб олиш бўйича «Зарафшон-Ньюмонт» каби йирик қўшма корхоналар, бир қанча қўшма банклар ва лизинг компаниялари ташкил этилди, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва Сирдарё ГРЭСи реконструкция қилинди, Тошкент халқаро аэропорти замонавий андозалар асосида қайта таъмирланди ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда нафақат катта, балки устувор аҳамиятга эга бўлган бошқа қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун Банк қиймати 200 миллион долларга тенг кредит линияларини очди. Шу билан бирга Банк инвестициялари биз учун ўта муҳим ушбу соҳага бошқа халқаро тузулмалар ва сармоядорларнинг 1,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган маблағларини жалб этишда кучли омил ва яхши намуна бўлди.

Бажарилган лойиҳалар ва ишга туширилган объектлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Бироқ мен ҳамкорлигимизнинг бошқа томонларини ҳам қайд этмоқчиман.

Банк ўз инвестициялари ёрдамида иқтисодиёт соҳаларининг таркибий янгиланиши ва ислоҳ қилинишида, хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлашувида, хусусий секторни ривожлантиришда, энг муҳими, мамлакатимизда янги синф -тадбиркорлар синфининг ривож топишида амалий ёрдам кўрсатмоқда.

**(Давоми 2-бетда)**

***Тошкентда ўтаётган Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Грузия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон Президентлари 4 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашди.***

## ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ТОШКЕНТ УЧРАШУВЛАРИ

Ислом Каримов, Эдуард Шеварднадзе, Нурсултон Назарбоев, Имомали Раҳмонов ва Асқар Акаев иштирокида кўп томонлама музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини, жумладан, савдо-иқтисодий алоқалар кўламини янада кенгайтириш, халқаро майдонда юзага келган вазият, МДҲ доирасида кечаётган жараёнлар, Афғонистон ва Ироқни тиклаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Президентлар журналистлар билан учрашувда пойтахтимизда ўтаётган ЕТТБ саммити хусусидаги фикрларини баён қилди.

Ислом Каримов ЕТТБнинг Тошкент саммити нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё мамлакатлари ҳаётида ҳам тарихий воқеа эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов Тошкентда ўтаётган мазкур нуфузли анжуман нафақат Ўзбекистонга, шу билан бирга Марказий Осиё давлатларига келаётган сармоя ҳажмининг кескин ошишига, минтақадаги интеграциялашув жараёнини янада жадаллаштиришга, бинобарин, Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий юксалишига улкан ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

Грузия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон раҳбарлари ҳам ушбу форум минтақа ҳаётидаги тарихий воқеа эканини таъкидлади. Президентлар анжуманнинг Ўзбекистонда ўтаётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси эканини ва бунда шахсан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг улкан ҳиссаси борлигини алоҳида қайд этди. Улар Тошкент анжумани минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, транспорт алоқаси, жумладан, ТРАСЕКА дастури доирасидаги алоқаларини кучайтиришда, демак, нафақат Марказий Осиё, балки Кавказ минтақаси, хусусан, Грузиянинг иқтисодий юксалишида ҳам муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдирди.

Шу куни давлатимиз раҳбарининг Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон президентлари билан яккама-якка учрашувлари бўлиб ўтди.

Мулоқотлар чоғида президентлар ўзаро икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий алоқалар кўламини янада кенгайтириш, халқаро террорчилик, наркотик моддалар контрабандаси, диний экстремизм каби иллатларга қарши биргаликда курашишга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

**(ЎзА)**

## «ИҚТИСОДИЙ ОЛИМПИАДА» БОШЛАНДИ

***4 май куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик мажлиси бошланди.***

Анжуманнинг очилиш маросимига Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Грузия президентлари, кўплаб мамлакатлардан ҳукумат делегациялари, нуфузли халқаро молиявий муассасалар вакиллари, йирик сармоядорлар, ишбилармонлар ташриф буюрди.



Мажлисни ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши раиси, Буюк Британиянинг халқаро тараққиёт масалалари бўйича давлат котиби Клейр Шорт хоним очди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши раиси ўз нутқида ўтган йили дунё иқтисодиёти муайян қийинчиликларни бошдан кечирганига қарамай, мазкур банк кредит ажратишда ўзига хос рекорд қўйганини маълум қилди. 2002 йили банк 3,9 миллиард евролик кредит ажратди. Шунинг 1,35 миллиарди Марказий Осиё мамлакатларига йўналтирилди.

Европадаги саккиз мамлакат Европа Иттифоқига аъзо бўлиш учун расман таклиф этилган. Шу муносабат билан энди ЕТТБ уларга ёрдам кўрсатишни тўхтатиб, Шарққа эътиборини кучайтиради.

Банк катта тажриба ва технологияларга эга. К.Шортнинг таъкидлашича, халқаро ҳамжамият Марказий Осиёга кенг ёрдам кўрсатиш заруратини энди англаб етмоқда. Мазкур минтақадаги мамлакатларда амалга оширилаётган ислоҳотларга кўмаклашиш учун уларга кўрсатилаётган ёрдамни янада кенгайтириш чораларини кўриш керак. Бунинг учун минтақа мамлакатлари инсон ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор бериши, хусусий секторни кенг қўллаб-қувватлаши зарур.

К.Шортнинг айтишича, Марказий Осиёда фаолият юритаётган халқаро молия ташкилотларининг операцияларини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, барқарор тараққиётни таъминлаш керак. Одамлар банкнинг фаолияти, мақсадлари ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлса, молиявий операцияларнинг амалий самараси янада ортади.

ЕТТБ президенти Жан Лемьер ҳам ўз нутқида мазкур банк бундан кейин Марказий Осиёга эътиборини кучайтиришини таъкидлади. Банк операциялари амалга ошириладиган мамлакатлар орасида мазкур минтақа давлатлари иқтисодий жиҳатдан бирмунча орқада. Лекин уларда иқтисодий салоҳият жуда катта. Бу салоҳиятни тўла ишга солиш учун эса сармоя муҳитини яхшилаш ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш лозим.

Ж.Лемьер Марказий Осиё мамлакатларига кўпчилик ёрдам қўлини чўзишга шай эканлигини, жумладан, ЕТТБ хусусий секторни қўллаб-қувватлаш орқали кўмакни кучайтириши мумкинлигини айтди. У 2002 йил июнда ЕТТБ ва бир қанча донор ташкилотлар томонидан Марказий Осиёга сармоя киритиш борасидаги таваккалчиликни кафолатлаш бўйича махсус жамғарма тузилганини маъқуллади.

Мажлисда Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентлари сўзга чиқди.

ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши мажлисининг иккинчи сессиясида Греция, Украина, Япония, Швейцария, Туркия, Европа Иттифоқи, Полша, Швеция, Словакия, Испания, Руминия, АҚШ, Нидерландия, Россия, Исроил, Туркманистон делегациялари раҳбарлари, ЕТТБ бошқарувчиларининг ҳисоботлари тингланди.

## ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

***Тошкентда икки кун давом этган Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг XII анжумани 5 май куни ниҳоясига етди.***

«Интерконтинентал» меҳмонхонасида мазкур банк Бошқарувчилар кенгаши мажлисининг якуний сессияси бўлди.

Уни ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши раиси, Буюк Британия халқаро тараққиёт масалалари бўйича давлат котиби Клейр Шорт хоним бошқарди.

Мажлисда сўзга чиққан аъзо давлатлар делегациялари вакиллари, ЕТТБ дунёнинг йирик молия институтлари қатори Шарқий Европа, Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, молия бозорини кучайтириш, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий сармояни қўллаб-қувватлаш ҳамда инфратузилмани такомиллаштиришда катта ўрин тутишини таъкидлади.

Иштирокчилар ЕТТБнинг XII саммити илк бор Осиёда, хусусан, Тошкентда ўтгани муҳим воқеа эканини қайд этди. Ўзбекистон -улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат. Ўзбекистон раҳбарияти бундай имкониятдан самарали фойдаланиш йўлида изчил ва дадил сиёсат юритмоқда.

**(Давоми 2-бетда)**

***ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгашининг XII йиллик йиғилиши арафасида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда Европа тикланиш ва тараққиёт банки раҳбари Жан Лемьер ана шундай фикр билдирди.***

**ЖАН ЛЕМЬЕР:**

## «ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКДАН МАМНУНМИЗ»

2000 йилнинг 3 июлида ЕТТБнинг тўртинчи президенти сифатида ҳозирги вазифасини бажаришга киришган 53 ёшли Жан Лемьернинг хизмат рўйхати анча сермазмун. У Парижнинг машҳур политехника фанлари институти ва Миллий маъмурий мактабни битирган. Ҳуқуқ бўйича илмий даражага эга, кўп йиллар халқаро молиявий ташкилотларда ишлаган, жумладан Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Франция хусусий офисини бошқарган ҳамда Франция ғазнаси директори лавозимида фаолият юритган. Жан Лемьер, шунингдек Европа валюта қўмитаси аъзоси сифатида ҳам хизмат қилган, ЕТТБдаги ҳозирги лавозимга кўтарилгунича Европа иқтисодиёт ва молия қўмитаси раиси бўлган. У Франция солиқ қўмитаси раҳбари ҳам бўлган ва Солиқ сиёсати маъмуриятини бошқарган.

Тошкентда оммавий ахборот воситалари вакиллари олдида сўзга чиқиб, ЕТТБ раҳбари шуни қайд этдики, навбатдаги йиғилишни Тошкентда ўтказишга қарор қилиниши ўзига хос аҳамиятга эга.

**(Давоми 3-бетда)**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва республикага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун янада қулай шарт-шароитларни таъминлаш, хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмини барпо этиш, мана шу асосда мамлакатдаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни жавобгарликка тортишнинг асослилигини зарур ҳужжатлар, шу жумладан жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материаллари билан танишиш йўли билан ўрганиб чиқиш;

вазирликлар, идоралар ва назорат органлари, шунингдек маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларига қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишлари, қонун бузилишини ва унга олиб келувчи шарт-шароитларнинг сабабларини бартараф қилиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

мансабдор шахслар томонидан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳоллари аниқланган ҳолларда, шунингдек адлия органларининг қонуний талаблари мансабдор шахслар томонидан бажарилмаган тақдирда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни тегишли органлар олдига қўйиш;

хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини бузаётган назорат қилувчи ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳаракати ёки қарорларини тўхтатиб қўйиш;

**(Давоми 2-бетда)**

# ТОШКЕНТ ФОРУМИ: БИЗНИНГ МАҚСАД

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгаши йиллик йиғилишининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи



**Evropa**
Tiklanish va Taraqqiyot
**Banki**

(Боши 1-бетда)

ЕТТБ билан ҳамкорлигимизнинг бундай аниқ мақсадларга йўналтирилганлиги бугунги кунда Ўзбекистон демократик ва бозор ислоҳотларини жадаллаштириш ва чуқурлаштириш, фуқаролик институтларини ривожлантириш борасида ўз олдига қўйган жорий ва стратегик вазифаларга тўла мос келади.

Ижозатингиз билан, ушбу вазифалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам.

Ўзбекистонда тоталитар тузумдан ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришга ўтиш даврида ижтимоий янгиланиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш учун асос бўлган бешта тамойилда қуйидагилар таъкидланган:

иқтсодиётнинг сиёсатдан устуворлиги; давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги; бошқарув ва хўжалик юритишнинг барча поғоналарида қонун устуворлиги ва етакчилиги; кучли ижтимоий сиёсат; ислоҳотларни босқичма-босқич, бошқача айтганда, эволюцион тарзда амалга ошириш. 1992 йилдаёқ эълон қилинган ушбу тамойиллар бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотган эмас.

Айни вақтда, давлат ва жамиятни изчил ривожлантиришдаги ҳар бир босқич янги қонунлар қабул қилишни, мамлакат ва иқтисодиётни модернизациялашнинг замонавий шартларига мос ва мувофиқ бўлган тамойил ва талабларни амалга оширишни тақозо этади.

Бу соҳадаги ишларнинг аҳволини танқидий баҳолар эканмиз, биз бир нарсага ишонч ҳосил қиламиз: олға ҳаракатланишимиздаги асосий тўсиқ - бу ислоҳотларни амалга оширишдаги ярим-ёртилик, яъни бошланган ўзгаришларни мантиқий ниҳоясига етказилмаслигидир. Бу - консерватизм, онгимизга ўрнашиб қолган эскича фикрлаш асоратлари, тўрачилик, кадрларнинг тайёр эмаслиги, уларда тажриба ва билим етишмаслигидир.

Бундан икки йил аввал биз Ўзбекистонда ҳаётимизнинг сиёсий, иқтисодий, молиявий, қонунчилик, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган яқин йилларга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Дастур қабул қилган эдик ва уни муваффақиятли амалга оширишдан умидимиз катта.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, айнан мамлакатда амалга оширилаётган эркинлаштириш жараёнлари туфайли Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг 4-5 фоиз миқдорда барқарор ўсишига эришилди, бозор инфратузилмаси, молиявий, банк ва ҳуқуқий институтлар мустаҳкамланди, хусусийлаштириш ва хусусий тармоқни жадал ривожлантиришнинг мутлақо янги тамойил ва услублари қабул қилинди, макроиқтисодий кўрсаткичлар ва пул агрегатлари мутаносиблиги яхшиланди, инфляция жараёнлари кескин пасайди, валюта бозори ислоҳ қилинди ва миллий валюта курсини бирхиллаштиришга эришилди.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб айтмоқчиманки, 2002 йилда Халқаро валюта жамғармасининг Мониторинг Дастурида кўзда тутилган деярли барча тавсияларнинг бажарилгани келгусида ҳам самарали ҳамкорлик қилиш ва ХВЖнинг VIII моддасини имзолаш учун қулай асос яратади, янги истиқболлар очади.

Буларнинг барчаси шу йил 1 май куни ХВЖ нинг Жон Одлинг-Сми бошчилигидаги ушбу анжуманда қатнашаётган делегацияси билан бўлиб ўтган музокараларда яна бир бор тасдиқланди.

Ўйлайманки, сизлар мамлакатимизда 2002 йилнинг январида ўтказилган референдум натижаларига кўра, парламентимизнинг сўнгги сессиясида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган туб демократик ўзгариш ва қўшимчалардан хабардор бўлсангиз керак.

Уларнинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда икки палатали парламент шакллантирилади. Ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари томонидан уларнинг ваколатлари мустақил, янада демократик ва янада ўзаро мувозанатни сақлаган ҳолда бажарилиши учун шароит ва кафолатлар яратилади.

Қонунчилик ҳокимияти - парламентнинг Бош вазирни сайлаш, мамлакат ҳукуматини шакллантириш ва фаолиятини назорат қилиш борасидаги ўрни ва аҳамияти сезиларли даражада ортади. Президент ваколатларининг бир қисми, жумладан, давлат, ижроия, суд ва дипломатик тузулмалар, махсус хизматлар ва прокуратура раҳбарларини тасдиқлаш ваколати янги сайланадиган Юқори Палата - Сенат ихтиёрига ўтади. Илгари Президент томонидан бажарилган Вазирлар Маҳкамаси Раиси ваколатлари Бош вазирга берилади.

Ўйлайманки, давлат қурилиши ва бошқарувидаги принципиал аҳамиятга эга бўлган ушбу ўзгаришлар фақат бир нарса - давр талаби, мамлакатимиз давлат тизимидаги демократик янгиланишларни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш йўлида олға боришимиз учун шарт-шароит яратиш билан боғлиқ эканини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Биз жамиятимизнинг келгуси тараққиётини марказлаштиришдан воз кечиш, ҳокимият ваколатларини марказдан жойларга бериш, давлат, айниқса назорат ва текширув органларининг тижорат, хусусий ва тадбиркорлик тузулмалари фаолиятига аралашувини кескин чеклаш билан уйғунликда кўрамиз.

«Иқтисодиётда давлат улушини камайтириш» шиори мамлакатда тобора оммалашмокда.

Бу йўналишда кўп ишлар қилинди, хусусий ва тадбиркорлик тармоғи, кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланиш суръатларига оид аниқ мисолларда ҳам буни кўриш мумкин. Бугунги кунда уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти умумий ҳажмидаги ҳиссаси 34 фоизни ташкил қилади.

Биз ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтиришга катта эътибор бермоқдамиз. Нодавлат ва жамоат тузулмаларининг, биринчи навбатда демократик қадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти устидан тўрачилик ва коррупцияга қарши курашнинг самарали воситаси бўлган жамоатчилик назоратини кучайтиришдаги ўрни ортиб бораётганини кўриб турибмиз.

Биз оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, ахборот соҳасини жадал ривожлантиришни фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнининг муҳим таркибий қисми деб баҳолаймиз. Бугун мустақил нашрлар жадал шаклланмоқда. Матбуотда цензура тўлиқ бекор қилинган.

Бугун биз суд-ҳуқуқ ислоҳотини чуқурлаштириш бўйича қонунчиликда ҳам, амалиётда ҳам кўп ишлар қиляпмиз. Бу ислоҳотлардан мақсад қонун устуворлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, қонунчиликни эркинлаштириш ва унинг инсонпарварлик руҳини кучайтириш, суд тизими мустақиллигини янада оширишдан иборат.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб, шуни аниқ ва қатъий таъкидламоқчиман: Ўзбекистон танлаган йўл -умуминсоний ва умумэътироф этилган демократик қадриятларга эришишга қаратилган, кўп асрлик маданиятимизнинг энг сара ютуқлари, миллий анъаналаримиз, аждодларимиз динига бўлган садоқатимиз билан уйғунлашиб кетган йўл - биз учун ўзгармасдир.

Мана шу барча қадриятларга содиқ қолган ҳолда биз, айни вақтда ўз келажагимизни Европа тараққиёти, маданияти ва ривожланган иқтисодиётига интеграциялашувда кўрамиз. Бунда, фикримизча, ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ.

Хонимлар ва жаноблар!

Энди, ижозатингиз билан, бугунги кунда умуман Марказий Осиё минтақасида юзага келаётган вазият, шунингдек, уни бевосита белгиловчи омиллар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам.

Минтақадаги ҳолатга у ёки бу даражада таъсир этаётган бир қанча омиллар орасидан мен сўнгги пайтгача вазиятга жиддий салбий таъсир кўрсатаётган, жамиятда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгиланишлар йўлидан олға силжишимизга ғов бўлаётган энг муҳим икки омилни ажратиб кўрсатган бўлар эдим.

**Улардан биринчиси** - қўшни Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этган уруш бўлиб, унинг оқибатида бу мамлакат, аслини олганда, турли тоифадаги халқаро террорчилар ва экстремистларнинг полигонига, эҳтимолки, дунёдаги энг йирик наркотиклар ва наркотрафик манбаига айланиб қолди.

Халқаро терроризмнинг 2001 йилнинг сентябрида Нью-Йоркда амалга оширган ваҳшиёна хуружи бизга шунча йиллар давомида таҳдид солиб келган мана шу ёвуз кучнинг бутун инсоният учун қанчалик катта хавф туғдириши мумкинлигини кўрсатди.

АҚШ бошчилигидаги антитеррор коалициянинг ташкил этилиши натижасида жангари толиблар, терроризмнинг уяси ва базаларининг яксон қилинишигина минтақадаги давлатлар ва халқларга осойишталик келтирди.

Авваламбор, халқаро ҳамжамиятнинг диққат эътибори ва катта ёрдами туфайли Афғонистонда кечаётган бугунги ижобий жараёнлар нафақат мамлакатнинг тинч қайта тикланиши, балки улкан Марказий Осиё ҳудудида давлатлараро алоқаларни қамраб олувчи кенг миқёсли коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш учун имконият яратади. Бундан эса минтақадаги аксарият давлатлар ҳамда халқаро молиявий тузулмалар тенг манфаатдордир.

**Иккинчи омил** - бу СССР парчаланиб кетганидан кейинги даврдаги бутун собиқ шўро давлати худудида, шу жумладан, бизнинг минтақамизда кечаётган, ўз табиатига кўра объектив бўлган жараёнлардир.

Бу - тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик, тақсимот тизимидан биз учун янги бўлган демократик ҳуқуқий тизимга ўтиш, эркин бозор иқтисодиёти асосларини шакллантириш жараёнларининг бирмунча оғир ва мураккаб кечаётганидир.

Мамлакатларимизда амалга оширилаётган демократик ҳамда бозор ислоҳотларининг турли даража ва миқёсда экани минтақа ҳудудида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Аммо мазкур анжуманнинг барча иштирокчилари учун шу нарса аниқ бўлиши керакки - бугун Марказий Осиё минтақасида иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенг кўламли инвестиция ва интеграция лойиҳаларини амалга ошириш учун, ҳеч бир муболағасиз, беқиёс истиқболлар очилмоқда, капитал ва товарлар учун қудратли ва улкан бозор юзага келмоқда, бир сўз билан айтганда, муваффақиятли бизнес учун зарур шарт-шароитлар мавжуд ва яратилмоқда.

Биз, албатта, бундай истиқболларни кўролмайдиган кучлар борлигини ҳам эътибордан соқит қила олмаймиз.

Минтақадаги умумий вазиятни ўта мураккаб деб кўрсатишга, Афғонистондаги барқарорлик бузилиши, толибларнинг, турли хил жангари диний ва террорчилик гуруҳларнинг қайта бош кўтаришлари мумкинлиги ҳақида башорат қилишга уринишлар ҳам йўқ эмас.

Минтақада бизнес ва инвестициялар учун маълум бир хавф мавжудлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу борада нима дейиш мумкин?

Тўғри, Афғонистонда ҳақиқий тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига ҳали анча вақт бор.

Аммо, шунча воқеаларни биргаликда бошимиздан кечиргандан сўнг, жаҳон ҳамжамияти Афғонистоннинг қайта тикланиши йўлида давом этаётган ижобий жараёнлар орқага чекинишига йўл қўймайди, дея ишонишга бугун бизнинг барча асосларимиз бор.

Ироқни қуролсизлантириш бўйича олиб борилган ҳарбий операцияларнинг бошланишидан олдин ҳам, бу жанговар ҳаракатлар жараёнида ҳам уларнинг фожиали ва ҳалокатли оқибатларга олиб келиши, биринчи галда Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқариши хусусида жуда кўп башоратлар, тахминлар ва фикрлар билдирилди.

Ўзбекистон, сизларга яхши маълумки, аввалбошданоқ бу масалада аниқ ва қатъий йўл тутиб, АҚШ нинг позицияси ва сиёсатини қўллаб-қувватлади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг ушбу принципиал, айни вақтда пухта, чуқур ўйланган позицияси кўп жиҳатдан минтақада Ироқ муаммоси бўйича эҳтиросларнинг авж олишига йўл қўймади.

Сўнгги йилларда рўй берган воқеалар мамлакатларимизнинг бугуни ва эртанги куни учун динлараро ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги барчамизнинг саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини такрор ва такрор тасдиқламоқда.

Барчамиз муносабатларимиздаги самимийлик, очиқлик ва эркинлик иқтисодий тараққиётимиз учун улкан аҳамиятга эга эканлигини, интеграциялашув жараёнларини жадаллаштириш ҳамда минтақада ягона умумий бозорни шакллантириш қанчалик муҳимлигини яхши тушуниб турибмиз.

Марказий Осиё ҳудуди геосиёсий рақобат ва ҳарбий-сиёсий блоклар шаклланадиган майдонга айланмаслиги, унинг улкан ресурс ва иқтисодий салоҳияти эса ушбу минтақада яшаётган халқлар тараққиёти ва фаровонлигидан манфаатдор бўлганларнинг барчаси учун очиқ бўлиши керак, десам, ўйлайманки, ҳамкасбларимнинг умумий фикрини ифода этган бўламан.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар!

2001 йил 11 сентябрдан кейинги воқеалар ривожини, Афғонистон ва Ироқда олиб борилган террорчиликка қарши тадбирлар якунларини диққат билан кузатаётганларнинг барчаси дунё сиёсий ва иқтисодий харитасидаги аҳвол, кучлар мувозанати қанчалик тез ўзгараётгани, ҳақиқатан ҳам оламшумул, биринчи навбатда, коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш учун қандай имкониятлар очилаётганини қайд этмаслиги мумкин эмас.

Энди, ижозатингиз билан, халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизимида тобора кўпроқ аҳамият касб этиб бораётган Марказий Осиё ва Кавказнинг улкан геостратегик ва геосиёсий, бой ресурс имкониятларига эга минтақалар сифатидаги ўрни хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ушбу салоҳиятдан фойдаланишнинг асосий йўналишларидан бири - бу, биринчи галда, улкан минтақамиздаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат бўлмоғи даркор.

Шу муносабат билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ҳамда ушбу жараёнга Марказий Осиё минтақасининг муҳим интеграциялашган қисмига айланиши лозим бўлган Афғонистонни ҳам фаол жалб қилишни кўзда тутувчи минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишга кўмаклашса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бизнингча, бундай ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қуйидагилар бўлиши керак:

**биринчидан,** янги, кўп вариантли коммуникация ва транспорт, шу жумладан, автомобил ва темир йўл тармоғини яратиш. Ушбу тармоқлар келгусида Ҳинд, Атлантика ва Тинч океанларининг муҳим портларига чиқиш имконини берадиган ягона, ўзаро боғланган транспорт коммуникациялари тизимига айланиши лозим. Бу борада ташкил этилаётган коммуникацияларнинг ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш, логистика тизими, юкларни энг кам сарф-харажат ва божхона тўсиқларисиз юклаш, транспортда ташишнинг самарали механизмини яратиш зарур;

**иккинчидан,** минтақа мамлакатларининг углеводород хомашёсига бой захираларининг истиқболли бозорларга чиқишини таъминлайдиган магистрал қувурларни модернизация қилиш ва ривожлантириш;

**учинчидан,** сув ресурслари самардорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича мақсадли дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

**тўртинчидан**, амалдаги магистрал тармоқлар ва электр қувватини ишлаб чиқарувчи тизимларни модернизация қилиш, шунингдек, энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган минтақавий инфратузилмани ривожлантириш;

**бешинчидан**, минтақа мамлакатларига кескин ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал этишда ёрдам бериш борасида саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш.

Ушбу йўналишларни муваффақиятли амалга ошириш минтақалараро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, Буюк Ипак йўлини замонавий асосда қайта тиклаш борасида муҳим қадам бўлади.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг шўро салтанати қулаганидан кейин мустақилликка эришган мамлакатлар билан тенгдош эканида чуқур рамзий маъно бор.

Мамлакатларимизни қайта тиклаш ва янгилаш борасида босиб ўтган мураккаб йўлимизни таҳлил қилиш, келажакда минтақавий ва халқаро интеграциялашув бўйича белгиланган режалар, умумэътироф этилган демократик мезонлар ва қадриятларга эришиш бизга келажакка ишонч ва умид билан қараш имконини беради.

Биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш бугунги кунда ислоҳотлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда муҳим шеригимизга айланган Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни кучайтиришга кўпроқ боғлиқ, деб биламиз.

Ишонаманки, ўтказилаётган Бизнес-форум ва мамлакатлар тақдимотлари жараёнида ишбилармон доираларнинг обрўли вакиллари янги алоқалар ўрнатишади ва янги истиқболли лойиҳаларга асос солишади. Шу кунларда бўлиб ўтадиган самарали мунозаралар эса муносабатларимизни янада тараққий эттириш ва кўп томонлама ҳамда иккитомонлама асосда ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беришига умид қиламан.

Аминманки, шу кунларда сизлар ўзбек халқининг очиқ кўнгиллилиги ва меҳмондўстлигини ҳис қиласиз, унинг кўп асрлик тарихи, бой маънавий мероси, миллий маданияти ва анъаналари билан танишиш имконига эга бўласиз, янги дўстлар ва бизнес ҳамкорлар орттирасиз.

Сўзим якунида инглиз ёзувчиси ва сайёҳи Редьярд Киплингнинг «Шарқ бу - Шарқ, Ғарб бу - Ғарб ва улар ҳеч қачон бирлашмайди», деган иборасини эслатмоқчиман.

Ўйлайманки, Киплинг унчалик ҳақ эмас. Бизнинг бугунги форум, Европа ва Марказий Осиё вакилларининг, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган Тошкент шаҳрида битта залда тўплангани ва саъй-ҳаракатларимизни халқларимиз фаровонлиги йўлида бирлаштириш истиқболларини биргаликда муҳокама этаётгани шундан далолат беради.

Эътиборингиз учун ташаккур.

## ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

(Боши 1-бетда)

Жамиятни демократлаштириш, ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш борасида муҳим қарорлар қабул қилинди. ЕТТБнинг Ўзбекистонга кўрсатаётган кўмагини барча аъзо давлатлар қўллаб-қувватлайди.



Дарҳақиқат, 11 сентябр воқеаларидан кейин халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиёга эътибори янада кучайди. Натижада минтақа мамлакатлари сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнини жадаллаштириш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон ҳукумати иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасида дадил қадамлар ташламоқда. Валюта бозори сезиларли даражада эркинлаштирилиб, қишлоқ хўжалик соҳасида давлат буюртмалари тизимини ислоҳ қилишга киришилди. Бироқ кўзланган мақсадга эришиш учун ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кам эмас. ЕТТБ раҳбарияти бу борада Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини маълум қилди.



Ўзбекистон Марказий Осиёда ўзининг муҳим стратегик ўрнига эга мамлакат. Евросиёнинг марказида жойлашгани, транспорт тармоқлари яхши ривожлангани, ташқи савдо бўйича катта имкониятга эгалиги нафақат Ўзбекистон учун, балки минтақа давлатлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ЕТТБ Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг бир қатор стратегик режаларини ишлаб чиққан. Улар кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, молиявий институтлар фаолиятини кучайтириш, инфратузилмага оид соҳаларни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Шу мақсадда маҳаллий банклар орқали янги кредит йўналишларини очиш, тўғридан-тўғри сармоя жалб қилиш орқали қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш, савдо-сотиқни ривожлантириш масалаларини кўриб чиқмоқда. ЕТТБ Ўзбекистонда хусусийлаштириш давлат дастурини амалга оширишга ҳам ўз ёрдамини бериш ниятида. Хусусан, Асака банкини хусусийлаштиришга тайёргарлик жараёнига техник ёрдам кўрсатишга киришган.

ЕТТБ Ўзбекистонда инфратузилма, транспорт, коммунал хўжалик ва энергетика каби тармоқларни ҳам қўллаб-қувватлашни режалаштирган. Шунингдек, маҳаллий ҳокимият тузилмалари билан ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида биргаликдаги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Банк ушбу режаларни амалга оширишда халқаро молия ташкилотлари ва дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликни давом эттиради.

Люксембург ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашига 2003-2004 йилда раислик қиладиган бўлди. Германия ва Руминия раис ўринбосарлари этиб сайланди. Бошқарувчилар кенгашининг навбатдаги йиғилиши Лондонда ўтказилиши маълум қилинди.

- Ушбу мажлиснинг Тошкентда ўтгани жуда тўғри иш бўлди,-деди ЕТТБ президенти Жан Лемьер ўзининг якунловчи сўзида. - Анжуман кунлари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти катта эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Мажлис ошкора ва очиқ тарзда ўтганидан мамнунмиз. У юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлайман. Бунинг учун Президент Ислом Каримовга, Ўзбекистон халқига, Тошкент шаҳри раҳбариятига миннатдорлик билдирамиз.

Мазкур халқаро анжуман Ўзбекистон очиқ демократик жамият барпо қилиш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни дадил амалга оширишда ўзи танлаган йўлдан оғишмай, изчил бораётганини яна бир бор намойиш қилди.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

***ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Бобур СОБИРОВ). Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Жан Лемьер 5 май куни оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.***

ЕТТБ президенти мазкур форумдан кўзланган асосий мақсад - жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини Марказий Осиёга қаратиш вазифаси тўла бажарилганини мамнуният билан таъкидлади.

- Тошкент анжуманида уч мингдан ортиқ ишбилармон, банкир, нодавлат ташкилотлар ва ҳукуматлар вакиллари иштирок этди,- деди Ж.Лемьер. - Форумга беш давлат раҳбари ташриф буюргани эса унинг нуфузини янада оширди.

Жан Лемьер ЕТТБнинг мазкур анжумани Тошкентда ўтказилишида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ҳиссаси катта бўлганлигини таъкидлади.

Тошкент форумида Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиёдаги жараёнлар, минтақа мамлакатларининг эришган ютуқлари ва мавжуд муаммолари, уларни ҳал қилиш йўллари борасида очиқ ва самарали мулоқотлар бўлди.

Матбуот анжуманида банк президенти журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар бўйича хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузувчи суд ҳужжатларини давлат божи тўламасдан қайта кўриб чиқиш тўғрисида суд инстанцияларига таклифлар билан мурожаат қилиш;

хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларини текшириш учун тегишли мутахассисларни жалб этиш.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир қарорлари вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тузилмасида штатдаги ходимлар сони 10 нафар бўлган Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса тегишли бўлимлар ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ва тегишли бўлимларнинг жорий таъминотини молиялаштиришни назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармасининг тузилмасини ва Бошқарма тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан амалдаги имтиёзлар ва кафолатлар рўйхатини, уларни қўллаш бўйича шарҳлар билан биргаликда, икки ой муддатда тайёрласин;

Хорижий сармоялар бўйича агентлик билан биргаликда Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвесторлар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган тўпламини Интернет тармоғига жойлаштириш учун хорижий тилларда уч ой муддатда тайёрласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги минтақавий бўлимларининг моддий-техника базасини қўллаб-қувватлаш учун грантлар жалб этилишига кўмаклашсин.

5. Адлия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятининг доимий мониторингини олиб борсинлар ҳамда хорижий инвесторлардан тушаётган мурожаатлар ва таклифларни батафсил ўрганиб чиқсинлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этишни янада яхшилаш юзасидан аниқ таклифлар билан биргаликда таҳлилий материалларни Вазирлар Маҳкамасига йилнинг ҳар чорагида тақдим этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин, шунингдек вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва Э.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 май.

# ВА ИНТИЛИШЛАРИМИЗ - МУШТАРАК

## ЕТТБ Бизнес-форуми:
## ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИЯСИ

***4 май куни пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки /ЕТТБ/ Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтаётган мажлиси доирасида Бизнес-форумнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.***

Ушбу анжуман доирасида «Инвестициявий муҳит: сиёсатнинг инвестициявий муҳитга таъсири», «Савдо ҳудудлари, савдони йўлга қўйиш: минтақавий ҳамкорлик ва глобаллашув», «Ишончли бизнес: халқ фаровонлигига кўмаклашувчи амалий натижа» мавзуида семинарлар бўлиб ўтди. Унда жаҳондаги йирик молия муассасалари раҳбарлари, ишбилармонлар, сармоядорлар, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.






Бизнес-форумни Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг биринчи вице-президенти Норин Дойл ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Азимов очди.

Семинар иштирокчилари Ўзбекистон катта инвестиция салоҳиятига эга эканлигини ва ундан самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Қайд этиш керакки, кейинги йилларда республикамизга хорижий инвестицияларни жалб қилиш шароитлари яхшиланмоқда. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасидир, албатта. Диёримизда чет эллик сармоядорлар, кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароит яратилган, ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда.



Шунингдек, хорижий сармоядорлар иштирокида уч мингга яқин қўшма корхона ташкил этилди. Уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш ва янада қулайроқ муҳит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси яқинда «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Семинарларда, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида минтақавий савдо самарадорлигини янада ошириш зарурлиги қайд этилди. Республикаларнинг божхона ва солиқ қонунчилиги мувофиқлаштирилганидан сўнг ушбу вазифани муваффақиятли амалга ошириш имкони пайдо бўлади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларнинг халқаро бозордаги экспорт кўрсаткичи сезиларли равишда ошди. Улкан иқтисодий, табиий бойликлар ва юксак инсон омилига эга бўлган мамлакатимиз инвестиция жалб этиш орқали турли товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини кескин кўпайтириши мумкин.

«Интерконтиненталь» меҳмонхонаси ва Халқаро ҳамкорлик марказида анжуманнинг биринчи куни 14 мамлакат тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари республикамиз, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Босния ва Герцеговина, Полша, Грузия, Болгария, Сербия ва Черногория, Беларусь, Чехия, Албания, Россиянинг иқтисодий салоҳияти билан танишди. Мазкур мамлакатларнинг ҳукумати вакиллари, миллий банклари, бошқа молиявий тузилмалари, етакчи компания ва фирмалари раҳбарлари бозор иқтисодиёти воситаларини ривожлантириш, ЕТТБ кредит линиялари асосида молияланган йирик лойиҳалар ҳақида маълумот берди. Тақдимотларда ЕТТБнинг турли департаментлари масъул ходимлари ҳам иштирок этиб, барқарор, рақобатбардош иқтисодий муҳитни шакллантиришда мамлакатлар билан бўлажак ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки фаолиятининг бош мақсади Марказий ва Шарқий Европа, янги мустақилликка эришган мамлакатларга режали, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш, уларнинг жаҳон хўжалик муносабатларига тўлиқ интеграциялашувига кўмаклашиш эканлиги таъкидланди. ЕТТБ халқаро банк-молия тузилмаларида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди ва турли мамлакатлар иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун катта имкониятларга эга.



Банк ушбу мамлакатлардаги ўз стратегиясини мавжуд эҳтиёжларга қараб белгилайди. Масалан, Қозоғистонда унинг кредит линиялари ёрдамида нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳалари молияланмоқда, фонд бозорлари кенгаймоқда. Бугунги кунда Қозоғистоннинг алюминий, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича корхоналари инвесторларда қизиқиш уйғотмоқда.

Бундай нуфузли анжуманнинг Тошкентда ўтказилишининг асосий сабабларидан бири - Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганидир. Бу ерда инвесторлар учун қулай муҳит яратиш мақсадида қонунчилик тизими мунтазам такомиллаштирилмоқда. Масалан, Қирғизистонда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши мавжуд корхоналарнинг 90 фоизини хусусийлаштириш имконини берди.

2010 йилгача Озарбайжон нефт қазиб чиқаришни кунига 9 миллион баррелга етказиш ва шу йўл билан нефт қазиб чиқарувчи мамлакатлар ўртасида 18-ўринни эгаллашни режалаштирмоқда. Шу сабабли бу ерда ЕТТБ иштирокида амалга оширилаётган йирик лойиҳалардан бири - Боку-Тбилиси-Жейхан нефт қувури қурилиши бўлиб, унинг ишга туширилиши нефт маҳсулотлари экспортини анча ошириш имконини беради.

Айни пайтда Грузияда ҳам олиб борилаётган нефт қувури қурилишида ижтимоий ва экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай мезонлар ЕТТБнинг барча лойиҳаларида асосий ўрин тутади. Денгиз йўлларига эга Грузиянинг транспорт коммуникация тизимини кенгайтиришга бугунги кунда катта маблағ сарфланмоқда. Поти, Ботуми бандаргоҳлари реконструкция қилинмоқда.



Ботумида Руминиянинг Констанца бандаргоҳи билан тўғридан-тўғри алоқани йўлга қўядиган паром терминали қурилмоқда.

Латвия ҳам денгиз дарвозаларига эга мамлакат сифатида катта салоҳиятга эга. Улардан бири - Вентспилс порти бўлиб, ҳар йили унда 30 миллион тонна юк қабул қилиб олинади ва жўнатилади. Латвия транзитининг 74 фоизи мазкур бандаргоҳ орқали амалга оширилади. Қулай географик жойлашуви Вентспилсга Болтиқбўйи минтақасининг Шарқ ва Ғарб ўртасидаги асосий транспорт бўғини сифатида иш юритиш, хорижий сармоя иштирокида бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Тақдимоти ўтказилган бошқа мамлакатларда ЕТТБнинг миллий иқтисодиётлар тузилмалари билан ҳамкорлиги муайян соҳалардаги вазифаларни амалга оширишда минтақавий эҳтиёжлардан келиб чиқиб ёндашишга асосланади. Бу эса барча мамлакатлар учун фойдали. Беларус ва Россия билан ҳамкорлик хўжалик алоқаларини интеграциялашга йўналтирилган. Шу боис мазкур мамлакатларда келгусида ҳам базавий ишлаб чиқариш тармоқларини, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, молиявий институтлар, транспорт, коммунал хўжалиги ва энергетикани ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

**Жамшид РАУПОВ,**
**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбирлари.**

***

**А.ТЎРАЕВ (ЎзА),**
**Н.МУҲАММАДЖОНОВ**
**олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

***Тошкентда Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик йиғилиши очилган куни пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ўнлаб мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ҳам тақдимоти бўлиб ўтди.***

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси молия вазири М.Нурмуродов мамлакатимиз истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқларга тўхталиб ўтди. У иқтисодиётнинг реал секторидаги иқтисодий ўсиш ва мавжуд ўзгаришлар республикамиз юритаётган сиёсат, чунончи, иқтисодиётнинг хусусий тармоғини ривожлантириш ҳамда кичик ва ўрта бизнеснинг ролини кенгайтириш билан боғлиқлигини қайд этди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан хусусий тармоқни ривожлантиришга ҳар томонлама ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, ўтган йили халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда мазкур тармоқни ривожлантириш учун 115 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий кредит жалб этилди ва ўзлаштирилди. 2002 йилда амалга оширилган бу ва бошқа чора-тадбирлар бизга кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 34,6 фоизга ошириш имконини беради.

Мамлакатимиз молия идораси раҳбари иштирокчиларга 2003 йилнинг 2 майида ҳукуматимиз «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилгани ҳақида ахборот берди. Ушбу ҳужжат республикамизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияни жалб қилиш учун янада қулай шароит яратишидан ташқари, сармояни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмини такомиллаштириш ва шу асосида мамлакатимизда инвестициявий муҳитни янада яхшилашга қаратилган.

М.Нурмуродов халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик ҳақида гапирар экан, бугунги кунда уларнинг иштирокида умумий қиймати 900 миллион АҚШ доллари миқдорида 21 та лойиҳа ишлаб чиқилаётганини айтди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Асқаров ўз нутқини Юртбошимизнинг ўтган йил якунларига бағишланган мажлисида айтган сўзларидан бошлади: ислоҳотлар ҳақиқий мулкдор пайдо бўлган жойда муваффақиятли амалга ошмоқда.

Маърузачи иштирокчилар эътиборини учта асосий жиҳатга, яъни иқтисодиётнинг базавий тармоқларини монополиядан халос қилиш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратди. Шу билан бирга, у Президентимизнинг эълон қилинган қатор фармонлари ва ҳукуматимизнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвесторларни кенг жалб қилишни кўзда тутувчи қарорларига батафсил тўхталди.

Номлари зикр этилган ҳужжатларга мувофиқ, 1995 корхона давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Бунинг натижасида ўтган йилнинг ўзида 1912 давлат корхонаси ва объектининг мулкчилик шакли ўзгартирилди.

Мажлисда «Ньюмон-Зарафшон» қўшма корхонаси бошқарувчи директори Гордон Никсоннинг чиқиши катта қизиқиш уйғотди. У йирик сармоядорлар вакили сифатида мамлакатимизда бизнесни кенг йўлга қўйиш учун барча имкониятлар борлигини таъкидлади. У қўшма корхонасининг ўн йиллик фаолияти, корхонада йилига 80 тонна олтин қазиб олинаётгани, тиббиёт соҳасига маблағ ажратиш йўли билан Ўзбекистоннинг ижтимоий соҳасини фаол қўллаб-қувватлаётгани ҳақида сўзлаб берди. Г.Никсон сармоядорларни Ўзбекистонда ишонч билан бизнес юритишга чақирди.

- Мен 1995 йилда Ўзбекистонда озиқ-овқат ишлаб чиқарув корхона сотиб олдим,- деди Франциянинг BREFAC Ltd компанияси раҳбари Э.Кокини. - Дўконлар, ресторанлар очдим. Олиб келинаётган товарларнинг қиймати маҳаллий истеъмолчилар учун қиммат бўлгани боис, товарларни маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Бугунги кунда BREFAC Ltd компанияси томонидан Ўзбекистонда мебел, атир-упа, қурилиш, умумий овқатланиш, виночилик, қишлоқ хўжалиги соҳаларида қатор лойиҳалар амалга оширилаётир. Шу билан бирга, компания газ ҳисоблагич асбобларни ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

Тақдимот маросимида ижтимоий соҳадаги айрим муаммолар ҳақида ҳам сўз борди. Республикамиз молия вазири иштирокчиларга уларни ҳал этиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш учун мамлакатимизга хориж сармоясини жалб қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётганини айтди.

**А.ТЎЙЧИБОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

**ЖАН ЛЕМЬЕР:**

## «ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКДАН МАМНУНМИЗ»

**(Боши 1-бетда)**

Ўз тарихи давомида биринчи бор банк анъанавий йиғилиш жойини ўзгартиришга қарор қилди ва бунинг учун Ўзбекистон пойтахтини танлади. Банк раҳбари йиғилганларнинг эътиборини тадбир иштирокчиларининг кўп сонлилигига қаратди - йиғилишда 2 мингдан зиёд киши қатнашмоқда, бу эса, унинг фикрича, бундай анжуман учун салмоқли кўрсаткичдир. Жан Лемьер тадбирда 62 нафар расмий банк акционери, 500 нафардан ортиқ тадбиркор, 160 нафар нодавлат ноҳукумат ташкилотлари вакиллари ва 300 нафардан зиёд журналистлар қатнашаётганини таъкидлади.

Бу ўринда, келтирилган маълумотларнинг сиёсий аҳамияти ҳақида гапириш ҳам ўринлидир. Бу галги анжуманда беш нафар давлат раҳбари, олти нафар бош вазир ўринбосари, 34 нафар вазир, 22 нафар вазирлар ўринбосарлари, 12 нафар марказий банклар раҳбарлари иштирок этмоқда. 60 дан зиёд делегация (уларнинг 59 таси - давлат делегацияси) мамлакатимиз, унинг бой ресурс ва сармоя салоҳияти билан танишиш имконига эга бўлади. ЕТТБ раҳбари Марказий Осиё минтақаси аҳамиятини таъкидлар экан, айнан ушбу имкониятларга эътибор қаратди.

Таъкидлаш жоизки, ЕТТБ минтақамиз хусусий секторини қўллаб-қувватлаётган энг йирик сармоядор бўлиб, ўтган йили умумий ҳажми 221 миллион еврога тенг бўлган миқдорда сармоя киритган, шу жумладан 34 миллион евро Ўзбекистонга йўналтирилган. ЕТТБ молиявий институтлар ўртасида Марказий Осиё минтақасида умумий қиймати тахминан 1,8 миллиард еврога тенг бўлган энг кўп лойиҳаларга эга. Банкнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва одамлар турмуш даражасини яхшилашга қаратилган.

ЎзА мухбирининг мамлакатимизда амалга оширилган лойиҳалар натижалари ҳақидаги саволига жавоб берар экан, жаноб Ж.Лемьер уларнинг бажарилишидан ҳамда Ўзбекистон билан ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганидан мамнун эканини маълум қилди.

Шуни эслаш ўринлики, икки томонлама ҳамкорлигимизнинг бошланғич даври ўн йил илгари, 1993 йилда ЕТТБ мамлакатимизда биринчи лойиҳасини молиялаган пайтдан бошланган. Ўтган давр синовлар ва томонлар ўртасидаги ўзаро ишонч мустаҳкамланиши даври бўлди. Бугунги тарихий воқеа ЕТТБнинг Ўзбекистонга бўлган ишончи самарасидир. Бу нуфузли йиғилиш, шубҳасиз, ёш мустақил давлатимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилади. Энг муҳими, республикамиз ЕТТБ банкининг стратегик жиҳатдан устувор вазифаси - Марказий Осиё минтақасидаги кредитлаш ишларини амалга оширишда энг ишончли ҳамкорига айланди.

Бугунги кунда мазкур йирик молия муассасаси иштирокида Ўзбекистонда умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларига тенг 20 та лойиҳа амалга оширилган. Банк қўйилмалари 723,8 миллион долларни ташкил этади.

Қайд этилганидек, 2003 йилги бизнес анжуманининг энг йирик ҳомийси «Raiffeisen Zentralbank» /RZB Group/дир. Ҳомийлар ўртасида «Bank Austria Creditanstalt», «Danae Resors NL», «Multiplex Mining Pty Ltd Company» кабилар бор. «Agena Publishing», «ATF Bank», «Banka Intesa», «Depfa Bank», «Mastercard» молия муассасалари ҳам фаол ҳомийлик кўрсатди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувни якунлар экан, ЕТТБ раҳбари ушбу банк бошқарувчиларининг бу йилги йиғилиши юксак даражада ўтиши ва унинг барча иштирокчилари учун ниҳоятда самарали бўлишига умид билдирди.

Пойтахтимиз ниҳоятда байрамона безанган. Шаҳар кўчалари анжуманга ташриф буюрган чет эллик меҳмонлар билан гавжум. Шу кунларда барча ўзбекистонликлар нафақат Европа Иттифоқи мамлакатлари, балки республикамиз учун ҳам аҳамиятли бўлган йирик воқеага гувоҳ бўлаётганликларидан мамнун. Зеро, бу улкан воқеанинг давлатимиз учун нечоғли аҳамиятли эканини тўғри англаб етиш - унга берилган энг юксак баҳодир.

**Азиза ТЎЙЧИБОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

**СЎЗ - МЕҲМОНЛАРГА**

### ИМКОНИЯТ ДОИРАСИ КЕНГАЯДИ

**Станислав МИХАЛОК, "АЛСТОМ" компанияси вакили:**

-Йиғилишларда таъкидланганидек, ЕТТБ йиллик форумининг Тошкентда ўтказилганида жуда катта маъно бор. Ўзбекистон, умуман, Марказий Осиё давлатлари биз бизнес вакиллари учун имкониятлар доирасининг кенглиги билан ажралиб туради. Чунки минтақангиз кўп тармоқли ишлаб чиқариш соҳасига, тарихий, маданий ёдгорликларга бой.

Бизнинг компаниямиз темир йўл соҳасида фаолият юритади. Темир йўл жаҳон савдо фаолиятида ўзининг муҳим ва аҳамиятли ўрнига эга. Ўзбекистон ҳам темир йўл орқали ўзининг экспорт ва импорт салоҳиятини ошириши учун жуда қулай ҳудудда жойлашган мамлакатдир.

Бу ерда бўлиб ўтган ЕТТБ йиллик йиғилишига тайёргарликни, бизнесменларга, тадбиркорларга берилаётган эътиборнинг юксаклигини, форумга ташриф буюрган ҳар бир иштирокчи англаб турибди. Ўзбекистон бугунги кунда дунё ҳамжамияти билан алоқаларни ривожлантириш борасида изчил ҳаракатлар олиб бораяпти ва буни амалий жараёнларда ҳам кўрсатмоқда.

Ўйлайманки, Тошкентда ўтказилган мазкур форум ўз олдига қўйган мақсадларига имкон қадар эришди.

### БУ ЮРТНИНГ ЭРТАСИ БОР

**ИТАРО, испаниялик тадбиркор:**

-Менинг Ўзбекистонда илк бор бўлишим. Очиғи, Ўзбекистон, хусусан, бу мамлакатнинг мустақилликдан сўнг қўлга киритган ютуқлари, сиёсий, иқтисодий тизимдаги ўзгаришлар хусусида матбуотда ўқиган, маълум бир тасаввурга эга эдим. ЕТТБ йиллик анжумани сабаб бу юртга келдим-у, тасаввурларим янада бойиди. Гўзал табиати, пойтахтнинг кенг ва кўркам кўчалари, замонавий, ҳашаматли биноларни кўриб ҳавасим ортди. Ўзбекистонликларни самимий, меҳмондўст тасаввур қилардим, бу тасаввурим ҳам айни ҳақиқатлигига амин бўлдим.

Ўзбекистоннинг бугунги кунда барча соҳадаги ислоҳотлари билан қизиқиб, танишганимда бир жиҳат эътиборимни тортди: ёшлар таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасида экан. Иқтисодий салоҳият, имконият шунга қаратилибди. Демак, бу юртнинг эртаси буюк бўлади, деб иккиланмай хулоса ясаш мумкин. Шуни мамнуният билан айтишим керакки, форумдан қайтгач, Ўзбекистон билан, ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ўзаро ҳамкорликни, иқтисодий шерикликни йўлга қўйишга киришаман. Чунки бу мамлакатнинг эртаси бор.

**Д.УЛУҒМУРОДОВ,**
**М.АКРАМОВ («Қишлоқ ҳаёти»)**
**ёзиб олди.**




## ШИОКАВА - ФАХРИЙ ДОКТОР

***ТОШКЕНТ, 4 май (ЎзА мухбири Ф.АРЗИЕВ). Юртимизга Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик анжуманида иштирок этиш учун ташриф буюрган Япония молия вазири Масадзуро Шиокава раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси ўқитувчи ва тингловчилари билан учрашди.***

Мазкур академия Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, Япония олий ўқув юртлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Хусусан, мазкур академиянинг биринчи проректори, Япония тараққиёт банки ижрочи директори, Васеда университети профессори Тошихара Китамура экани бу фикрнинг яққол тасдиғидир.

Япония молия вазири билан учрашувда ўзаро стратегик ҳамкорлар ҳисобланувчи мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кўлами тобора кенгайиб бораётгани таъкидланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йилда Японияга ташрифи чоғида имзоланган тарихий ҳужжатлар муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Япония молия вазирлигининг қўллаб-қувватлаши орқали мазкур академиянинг юздан ортиқ тингловчиси Кунчиқар мамлакат молиявий муассасаларида малака ошириб қайтди.

Учрашувда М.Шиокавага мамлакатларимиз банк-молия муассасалари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Ўзбекистон банк-молия академиясининг Фахрий докторлик унвони берилди.

## ЮТУҚЛАРИМИЗ НАМОЙИШИ

***ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Бобур СОБИРОВ) 3 май куни пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазма марказида Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик мажлиси доирасида «Ўзбекистоннинг экспорт ва сармоявий салоҳияти» мавзуидаги кўргазма очилди.***

Мажлиснинг асосий учрашувлари, музокара ва мулоқотлари арафасида очилган бу кўргазма «иқтисодий олимпиада» сифатида талқин этилаётган ЕТТБ саммитига старт берилганининг ўзига хос белгиси бўлди.

Кўргазмага ташриф буюрганлар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар кўлами, асосий йўналишлари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имкониятига эга бўлади. Енгил саноатдан машинасозликкача, қишлоқ хўжалигидан юқори технологияларгача бўлган соҳаларда фаолият юритаётган фирма ва компанияларнинг намойиш этилаётган юқори сифатли маҳсулотлари мамлакатимиздаги ислоҳотлар самараси, қўлга киритилаётган ютуқларнинг яққол намуналаридир.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев ҳамда ЕТТБ биринчи вице-президенти Норин Дойл хоним мазкур кўргазма Ўзбекистоннинг юксак салоҳият ва улкан имкониятларга бой мамлакат эканлигидан ёрқин далолат беришини таъкидлади. У халқимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқларини намойиш қилишда катта аҳамиятга молик тадбирдир. «Ўзбекистоннинг экспорт ва сармоявий салоҳияти» кўргазмаси мамлакатимизни дунё ишбилармонларига янада яқинроқ танитиш, ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар кўламини кенгайтириш, хорижий сармоядорлар билан ўзбекистонлик тадбиркорлар ўртасидаги бевосита хамкорликни мустаҳкамлаш учун ҳам қулай имконият яратади.

Умумий майдони минг квадрат метрни ташкил этувчи кўргазмада мамлакатимиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқларида, хусусан, машинасозлик, автомобилсозлик, кончилик соҳаларида эришилган ютуқлар ўз аксини топган. Унда дори-дармон, тўқимачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда етакчилик қилаётган юздан ортиқ фирма, компания ва қўшма корхоналарнинг маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Кўргазма иштирокчилари орасида кичик ва ўрта бизнес вакиллари талайгина эканини таъкидлаш ўринли. ЕТТБ мана шу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиши ҳисобга олинса, Ўзбекистонда мазкур банк билан ҳамкорликни янада ривожлантириш учун жуда қулай имконият мавжудлиги яққол намоён бўлади.

Кўргазма билан танишган ЕТТБ биринчи вице-президенти Н.Дойл оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида Ўзбекистондаги ўзгаришларга юқори баҳо берди. Мамлакатимизнинг автомобилсозлик, енгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда эришган ютуқларини алоҳида таъкидлади.

- Ўзбекистон автомобил, қишлоқ хўжалиги техникасини экспорт қилаётгани мени, айниқса, ҳайратга солди, - деди ЕТТБ биринчи вице-президенти.

Кўплаб хорижий делегациялар вакиллари, бизнесмен ва журналистлар иштирок этган бу кўргазма ЕТТБ мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган меҳмонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

- ЕТТБ саммити Ўзбекистонга келаётган сармоя ҳажмини ошириш ва мамлакатингизнинг иқтисодий қудратини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз, - деди Швейцариянинг «Данавант С.А.» компанияси департаменти директори Пьер Шехаб ЎзА мухбири билан суҳбатда. - Компаниямиз, асосан, пахта сотишга ихтисослашган. Шу боис Ўзбекистондаги ислоҳотларни катта қизиқиш билан кузатиб борамиз. Кейинги йилларда мамлакатингизда улкан ижобий ўзгаришлар юз берди. Мазкур саммит ҳам ана шундай ислоҳотлар самарасидир. Бугунги кўргазма эса турли мамлакатлар ишбилармонлари ўзаро ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашда жуда муҳим аҳамият касб этади.

- Юртингиздаги ўзгаришлар, ҳақиқатан ҳам, улкан, - деди Канада ташқи ишлар ва халқаро савдо департаменти маслаҳатчи-вазири Грэм Раш. - ЕТТБнинг бу галги саммити олдинги мажлисларидан тубдан фарқ қилади. Тошкент анжуманига қатор мамлакатлар президентлари, ҳукумат бошлиқлари, вазирлар, йирик халқаро молия муассасалари раҳбарлари ташриф буюриши саммит нуфузини янада оширади. Осиё қитъасида илк бор ўтаётган бу саммитга Ўзбекистон мезбонлик қилаётгани ҳам мамлакатингизга бўлган ишонч ва ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириши шубҳасиз.

